


UZA | O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

2021 ЙИЛ МАРТ

ТОШКЕНТ – 2021

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

Илмий нашр

2021 йил март ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
М.Жўраев	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назирова	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжаев	И.С.Саифназаров
Н.А.Хусанов	Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

С.Х.ШОМУРОДОВА. Эркин Воҳидов девонида Алишер Навоий анъаналарининг акс этиши-----	206
Ф.М.ИСКАНДАРОВ. Илк наът поэтикаси-----	214
Д.Р.ТУРСУНМУРОДОВА. “Кутадғу билиг” достонида зуҳд мақоми ва зоҳид образи-----	225

Фалсафа

Ф.Д.МУЗАФФАРОВ. Имом Ғаззолийнинг фалсафий концепцияси-----	233
О.Ж.ЎРОҚОВА. Романтизм тушунчасининг моҳияти ва хусусиятлари----	245
Р.Х.ХУДАЙБЕРГАНОВ. Ахборот маконида тил ва коммуникация масалалари-----	252
Б.Б.РУСТАМОВ. Муҳаммад Ғаззолий таълимотида ўз-ўзини англаш йўллари-----	260
Х.Р.НАФИДДИНОВА. “Ақиқа” маросими ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни-----	267

Техника

Л.У.САФАРОВА, Б.М.ЭШБУРИЕВ. Разработка функции принадлежности для оценки болезни вторичной остеодистрофии у высокопродуктивных коров-----	274
Ҳ.Н.ЗАЙНИДИНОВ, И.ЮСУПОВ. Cloud технологияларига асосланган хизмат яратиш усул ва функционал тузилмаси-----	285

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими
(электрон журнал)
2021 йил, март сони**

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй

Фалсафа

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ

УДК 1(091)(55)

Фируз Давронович МУЗАФФАРОВ

фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Бухоро давлат университети
Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Имом Ғаззолийнинг “Таҳофут ал-фалосифа” асари ва унда илгари сурилган фалсафий қарашлар таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: фикҳ, мантиқ, калом, фалсафа, тасаввуф, сиёсат, олам, материя, ирода, сабаб-оқибат.

ФИЛОСОФСКАЯ КОНЦЕПЦИЯ ИМАМА ГАЗЗАЛИ

Фируз Давронович МУЗАФФАРОВ

доктор философии по философским наукам (PhD)
Бухарский государственный университет
Бухара, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется «Тахафут аль-Фаласифа» имама аль-Газзали и изложенные в ней философские взгляды.

Ключевые слова: юриспруденция, логика, теология, философия, мистицизм, политика, вселенная, материя, воля, причина и следствие.

Имом Ғаззолий (450/1058–505/1111) ўз даврининг машҳур олим, фақих, мутасаввиф ва файласуфларидан бўлиб, Ислом тамаддунининг “олтин асри” да энг кўзга кўринган кучли зақоси билан ёрқин намоён бўлган мутафаккирлардан биридир. Ғаззолийгача ва унинг даврида ҳам фалсафий илмдан фойдаланиб ўзининг мулоҳазали фикр ва қарашларига ҳам илмий, ҳам мантиқий тус беришга интилган, ҳаракат қилганлар бўлган. Ғаззолий яшаган тарихий даврда калом аҳли – мутакаллимларнинг олиб борган фаолияти, уларнинг қонли тўқнашуви натижасида ижтимоий беқарорлик авжига чиққан ва бундан оддий оми халқнинг ҳафсаласи пир бўлган.

Мана шундай мураккаб бир тарихий давр, жуда қийин бир шароитда фалсафий фан асосчиси ва унинг издошлари шундай бир дунёқараш билан йўлга чиқдиларки, бу уларга диннинг моҳиятига содиқ қолган ҳолда ва унинг қоидаларини сақлаб қолиб, инсониятга янги фикрлар мабдаларини кўрсатишга имкон берди.

Жамиятнинг баъзи қисмларида диндан чекиниш ва унинг арконларига, белгиланган қатъий тартиб-интизомларига нисбатан шубҳали, ўзгача фикрларнинг пайдо бўлиши Ғаззолийни диндаги тангликнинг илдизи фалсафа деган хулосага олиб келди. Буни аллома ўзининг маънавий меросида қуйидагича ифодалайди: “Уларнинг манбаи динсизлик ва бу манбалар қуйидагилардан иборат: 1) Суқрот, Гиппократ, Афлотун, Арасту ва уларга ўхшаганлар; 2) айрим адашган кишилар томонидан мазкур атоқли мутафаккирларнинг ҳикмати ҳақида гапириб, улар ғояларининг мағзи, жўғрофия, геометрия, мантиқ, физика ва илоҳиётшуносликдаги улар тушунчаларининг нозиклигини баён этиб қилган муболағалари; 3) Улар ғояларини таҳлил қилиш ва идрок этишда ўзига қаттиқ ишониш ва қайсарлик; 4) Уларнинг алоҳида қобилияти, доноликлари ва ҳикматда ҳаммадан устун бўлганлари учун шариятни ва бошқа фикрни инкор этиб, шарият қонунлари – бу ўйлаб топилган гўзал бир алдовдир, дейишлари; 5) уларнинг алоҳидаликлари ҳақидаги афсоналар, шунингдек, уларнинг доноликлари, ҳикмат ва илмларда барчадан устун бўлиб шариятни ва бошқа динларни ҳам инкор этибоқ, шарият қонунлари – бу ўйлаб топилган чиройли ёлғон деган фикрнинг мавжудлиги [1;93].

Шу нарса аниқки, ҳатто буни мутафаккирнинг ўзи ҳам алоҳида қайд этади, уни “Тахофут ал-фаласифа” асарини ёзишга ундаган нарса диннинг ҳимояси эди [5;254]. Ушбу асар Имом Ғаззолийнинг машшойийнун файласуфларига қарши ислом тушунчаси нуқтаи-назаридан ёзилган. Муаллиф бу асарни ёзишдаги асл ғоясини йигирмата масалада кўриб чиқади ва машшойийнун файласуфларининг бу оламнинг ва ҳаюло (*материя*)нинг бошланиши ва охири йўқлиги (*азалий ва абадий эканлиги*), уларнинг, Худо маърифати ҳар бир одамнинг ҳаракатларини бутун тафсилотлари билан

камраб ололмайди, деган фикрлари, қайта тирилишни рад этишлари (*жисмоний тирилиш (ҳашр бўлиш)*) масаласида куфрга, қолган ўн етти масалада эса бидъатга кетганликда айблайди.

Мутафаккир мулоҳазаларига кўра, файласуфларнинг куфрга тушганликларининг асосий сабаби улар қарашларининг Қуръонга ва Пайғамбар суннатига тескари эканлиги, шу уч масалада файласуфлар барча мусулмонлар билан ихтилофга тушганлигидир.

Ғаззолий файласуфларнинг куфрга кетиши уларнинг жисмоний тирилишни инкор этиш тўғрисидаги қарашлари каломнинг диний-нуқтаи-назарларига файласуфлар фикрларининг уйғун эмаслиги сабабига кўради, деб кўрсатади. Масалан Ибн Сино “Аллоҳ жузъиятни куллият жиҳатига кўра, билади” деган фикрини Ғаззолий қуйидагича изоҳлайди: “Аллоҳ куллиятни билади, жузъиятни билмайди” ва ўз фикрини Қуръон ояти билан асослайди. [5;174]

Ғаззолий алоҳида тоифалар учун ёзилган “Файсал-ут-тафриқа байна-л-ислом фа-з-зандақа” (*Ислом ва даҳрийлик ўртасидаги бўлинишининг ҳақиқий мезони*) асарида файласуфларнинг куфрга кетганлигини ўзига хос шаклда тушунтиришга ҳаракат қилади. Ушбу асар исмоилийларнинг эзотерик таълимотига қарши қаратилган бўлишига қарамасдан, бу асарнинг ёзилишидан асосий мақсад мусулмон кашфиёти матнларини мажозий талқин қилишдан ҳимоялаш эди.

Китобнинг номида ислом ва зиндиқа сўзларининг қўлланилиши, Ғаззолийнинг “зиндиқа” (*бузилиш*)дан, инсонни исломдан узоқлаштирадиган ҳар қандай нарсани англаганини кўрсатади. Асар, муқаддима, ўн уч фасл, брахманизм, дуализм, зиндиқлар, даҳрийлар деб номланган тўртта катта мавзунини ўз ичига қамраб олган [2].

Ғаззолий ушбу рисолада имон масаласига доир ўзининг мутакаллимона қарашини назарий жиҳатдан таҳлил этибгина қолмасдан уни Қуръон ва ҳадис орқали асослаб, иймон масаласида фақат диний асосларга эътибор қаратади. Ғаззолий ашъарийлик мактабининг йирик вакили бўлишига қарамай, ақида

бобида ашъарий бўлган одам ҳеч қачон кофир бўлмайди, чунки куфрнинг асоси – Аллоҳга ширк келтириш ва пайғамбарга эътиқод қилмасликдир. Ашъарийлик эса, на Аллоҳнинг китоби, на пайғамбарнинг суннати. Шу боис, ашъарий бўлмаган кишини кофир деб ҳукм чиқариш мумкин эмас, дейди.

Аллома яшаган тарихий даврда бир қанча эркин фикрловчи гуруҳлар мавжуд эди. Уларнинг кўпчилиги Ғаззолий эътирофича, асосан юнон фалсафасини Суқротдан Арастугача бўлган фалсафий дунёқарашни кўкларга кўтариб мақташдан нарига ўтмас эдилар.

Ғаззолий файласуфлар қарашларини танқид қилишдан олдин уларнинг асл ғоя ва мақсадларини очиб берувчи “Мақосид ал-фалосифа” асарини ёзади. Ушбу китобнинг муқаддимасида “энди мен файласуфларнинг беқарорлигини, қарашларининг зиддиятлигини, қоришмаларни аралаштириб юборганликлари ва йўлдан адашганликларини аниқлашни мақсад қилганман. Уларнинг қарашларини танитмасдан, эътиқодларини ўргатмасдан сизга ёрдам қилиш ниятим йўқ. Кенг равишда атрофлича англаш тарзини ўз ичига қоплаб олмасдан янглишлиги устида туриш имконсиз ва бу билимсизлик адашишга отилишдир.

Файласуфларнинг метафизик билимлари (илоҳиёт), табиат билимлари ва мантиқ билимларидаги мақсадларини қамраган беқарорликларини соф ва қисқа бир шаклда Ҳақни ботилдан ажратишни мақсад ҳисобладим. Мақсадим, мақсадлари ташқарисадаги тафсилотлари ва муфассалликларини зикр этмоқ суръати билан сўзни узайтирмоқ эмас, фақат мўлжалларини англашмоқ, файласуфларнинг далиллари билан алоқали бўлган ишончли матнлар ва мисолларни тақдим этмоқдир. Китобнинг мақсади айни вақтда китобнинг номи бўлган фалсафачиларнинг мақсадларини англашмоқдир” [8], деб ёзади. Асарнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аллома ушбу асарда мантиқ, математика, физика ва шарқий перипатетиклар фалсафасининг асосий қоидаларини объектив ва систематик тарзда очиб беради. Ушбу асар “Тахофут ал-фалосифа” асарига кириш бўлиб хизмат қилади.

Ғаззолий Аристотел ва унинг Шарқдаги буюк издошлари Фаробий, Ибн Сино қарашларинининг таҳлилига қаратилган “Тахофут ал-фаласифа” асарини тўрт муқаддимага ажратади ҳамда ўз нутқининг услуби ва мавқеини белгилаб олади. *Биринчи муқаддимада* у “китобнинг мавзуи сифатида фалсафа устунларидан бири – Арасту ғояларини танлаб олганини айтади” [7;5]. Арасту асарларининг баъзи таржималарида йўл қўйилиши мумкин бўлган талқинлар ва ўзгаришлар таъсирига тушмаслик учун у Фаробий ва Ибн Сино амалга оширган энг ишончли ва эътиборли вариантларни асос қилиб олади. *Иккинчи муқаддимада* Ғаззолий, улар муҳокамаларининг марказий мавзулари кўпроқ диний тушунчалар (Оламнинг яратилиши, Холик сифатлари ва нарсаларнинг ўзаро таъсири каби) билан боғлиқ мавзулар эканлигига эътибор қаратади [7;7-9]. *Учинчи муқаддимада* у ўзининг инкор ва танқид усулини баён этиб, файласуфларнинг адашишлари ва зиддиятларини намоён этиш учун турли калом мактаблари усулларидан фойдаланганини, бирор бир алоҳида мактаб билан чегараланмагани ҳақидаги ўз қарашларини илгари суради [7;11]. *Тўртинчи муқаддимада* Ғаззолий фалсафанинг бир қисми бўлган математика ва мантиққа доир формула ва масалаларнинг мустаҳкамлиги ва тўғрилиги файласуфларнинг метафизика ва илоҳиётнинг ҳақиқи ва асосли эканлиги ҳақида айтган фикрларига алоқаси йўқлиги ҳақида гапирди [7;13-16]. Ғаззолий математика масаласида файласуфлар фикрига қўшилади ва мантиқни ўрганиш фойдали, зарур фан деб ҳисоблайди. Бироқ, бу фанлар аллома эътирофига кўра, файла-суфларнинг мулки эмас ва улар илоҳиёт масалаларига жавоб бериши керак. Қисқаси, муаллиф ушбу асарда Фаробий ва Ибн Синонинг натуралистик ва рационалистик концепцияларини танқид қилади. У перипатетикларни мета-физикани шариатга мос келадиган равишда ярата олмаганликлари учун танқид остига олади.

Ғаззолий эътирофига кўра, файласуфларни хатолар ва адашишларга бошлайдиган илмлар табиатшунослик ва метафизика бўлиб, бундай илмлар бидъатлар асоси ҳисобланади. Унинг риёзат ва мантиқий илмларга бўлган муносабати умуман бошқача яъни бу илмлар бутунлай бир-бирига мос келади.

Ш у сабабли мутафккир ўзининг фалсафий раддияларини фалсафа тарихидаги учта буюк шахсият Аристотел, Фаробий ва Ибн Сино фалсафий мулоҳазаларига қаратади.

У ҳақиқат тўғрисидаги энг охириги сўз фақат ва фақат юнон донишмандларининг китобларида деб ишонувчиларга ўз таълимотини қарши кўяди. “Тахофут ал-фаласифа” асарининг муқаддимасини Ғаззолий куйидагича бошлайди: “Файласуфларнинг эътирофларини ҳикоя қилиш кўп узундир. Чунки, уларнинг сўзлари кўп, тортишмалари узун, қарашлари эса турфа хилдир, методлари бир-биридан узоқ ва бир-бирига қарама-қаршидир. Биз уларнинг қарашларини таҳлил қилиш мавзусида муаллими аввал, файласуфи-мутлақ кишининг қарашларидаги фарқли қарашларини таҳлил қилишга киришамиз. У киши Аристотелдир. У ўзидан аввал келган ҳаммани, ҳатто илоҳий Афлотун деб номланган устозини ҳам рад этган. Сўнг, устозига муҳолиф “Афлотун дўстимдир, ҳақиқат ҳам дўстимдир, фақат ҳақиқат ундан кўра янада кўпроқ дўстимдир”, дея қайд этган... Аристотелдан сўнг, унинг издошлари орасида Фаробий ва Ибн Сино каби файласуфлар Арасту таълимотини ўзгаришсиз баён қилдилар” [7;5].

Бир қанча илмий адабиётларда, шунингдек, Ғарб ғаззолийшунослигида ҳам алломанинг ушбу фаолияти иррационалистик, мистик характерда тавсифланади ва рационализмни инкор этишда айбланади. У ўзининг фалсафий мушоҳадаларида рационализмни, ақлий билиш усулларини инкор этган эмас. Унинг рационалиزمни ўзига хосдир. “Тахофут ал-фалосифа” асарида куйидагича ёзади: “Каломда далилларим бор ва ақл талабига амал қиламан. Шариатда эса менда Қуръони Карим дини бор. Ва аминман (имомлар)дан бирортасига тақлид қилмайман, менга Шофеъий ҳам ҳузур бағишламайди, Абу Ҳанифадан ҳам роҳатланмайман” [3;12].

Ғаззолий фалсафасининг мураккаб жумбоқларидан бири бу Аллоҳнинг яратувчанлик хусусияти. Унингча, олам Худонинг қадимги иродасига мувофиқ замонда яратилган. Яъни, олам вақтда яратилган ва ўз бошланиш нуқтасига эга. Файласуфлар иддао этадиларки, деб ёзади Ғаззолий “Аллоҳ

оламдан замон жиҳатидан эмас, зотий жиҳатдан аввалдир” [7;32]. Аллома Аллоҳнинг оламни замонда яратилганлигини айта туриб, биз, Аллоҳ оламга нисбатан азалийдир, у вужудга келмасдан аввал Аллоҳ мавжуд эди. У ўзининг вужуди билан оламни давом эттирди, дея раддия билдиради. “Аллоҳ оламдан ва замондан аввалдир. Аллоҳ бор эди ва олам йўқ эди. Сўнгра, У бор эди ва баробарида олам ҳам бўлган эди” [7;32].

Аллома олам қадимий илоҳий ирода билан мавжуд бўлганини, ирода оламнинг маълум бир вақтда вужудга келишини ирода қилганини, ундан олдин ирода қилинмагани, шунинг учун пайдо бўлмаганини ва ҳар бир пайдо бўлган нарса сабабга бориб тақалиши ҳамда бу сабаб Аллоҳ эканлигини таъкидлайди.

Ғаззолий фалсафанинг асосий хато ва адашишлари ҳамда янглиш хулосалари ғайбиёт олами – метафизика ҳақидаги тортишувлар эканлигини айтиб, бу фикрнинг тўғрилигини исботлаш учун файласуфларнинг метафизикага алоқадор тортишувларининг бир нечтасига алоҳида аҳамият қаратади. Шулардан бири оламнинг қадимийлиги ёки кейин пайдо бўлганлиги масаласидир.

Файласуфлар қарашларига кўра, олам Худодан оқибат сабабдан ёки нур куёшдан келиб чиққанидек, зарурий равишда келиб чиқади. Ғаззолий эътирофига кўра, ҳақиқий фаол нарса, олим, мурид ва ихтиёри ўзида бўлган ашё бўлиши лозим. Шунинг учун у файласуфларнинг Аллоҳни фақат мажозий тарзидагина яратувчи, деб билганларини қаттиқ танқид остига олади. Ўз фикрини давом эттириб айтадики, агар олам, файласуфлар таъкидлаганидек, қадимдан мавжуд бўлса, уни яратилган деб бўлмайди. Чунки, яратилиш бирор нарсага йўқликдан борлик бағишлашдир, қадимдан бор бўлган нарса, ҳамиша борликқа эга, деб ёзади. Унинг мулоҳазаларига кўра, сабаб қачонки худонинг иродасидан келиб чиқса ва унинг таъсири воситаси бўлсагина тўғри, аниқ ва ишончли бўлади.

Фалсафа тарихида антик даврдан бошлаб файласуфлар ушбу масалада иккига бўлиниб, баъзилари оламни азалий деса, бошқалар эса, оламни кейин

пайдо бўлган, деб тортишиб келишган. Ғаззолий “Тахафут”да бу масалани атрофлича таҳлил этиб, икки тараф ҳам ўзининг фикри тўғрилигига далил олиб келади. Икки тараф ҳам қарши тарафга бир хил раддия беради. Юнон файласуфларидан олдингилар ҳам, юнон донишмандлари ҳам, улардан кейин келган мусулмон файласуфлари ҳам ўзларининг қарашларини далиллашга ҳаракат қиладилар. Бу тортишув бундан кейин ҳам қиёматгача давом этади. Аммо, ундан одамларга заррача фойда йўқ, деб қайд этади.

Аллома эътирофига кўра, бундай тортишувлар охирига етиши мумкин ҳам эмас. Чунки, улар ўзларидан мутлақ ғайбдаги нарса ҳақида тортишмоқдалар. Имом Ғаззолийнинг диний таълимотни ҳимоя қилганлигини унинг юқоридаги сабаб оқибат концепциясидан ҳам билиш мумкин. Ушбу жиҳат фалсафанинг асосини ташкил этади ва уни мантиқан рад этиб бўлмайди. Бироқ, Имом Ғаззолий бу масалада ўзининг идеалистик дунёқарашини билан файласуфлар мулоҳазаларини, уларнинг қарашларини, яъни ақл билан барча савол ўз ечимини топа олмаслигини таъкидлайди.

Ғарб ғаззолийшунослигида шарқшунослар Вензик [11;183-209] ва Вольфсон Ғаззолий фалсафасидаги сабабият муаммоларини таҳлил эта туриб, алломани креационизм (Оламнинг, тирик ва нотирик табиатнинг бир яратувчилик ҳаракати билан яратилганлиги ҳақидаги таълимот) тарафдори деб ҳисоблайдилар [12]. Исломшунос Ван Ден Берк “Тахафут ал-фалосифа” асарини таржима ва таҳлил этиш асосида алломанинг сабабият тўғрисидаги қарашларида хатоликка йўл қўяди. Унингча, Ғаззолий ушбу асарда гўёки диалог олиб борадиган файласуф суҳбатдошдек гавдаланади. У ҳодисалар ўртасидаги алоқани айнан мантиқий боғлиқлик сифатида тушунишга ҳаракат қилади [10]. Шарқшунос Илай Алон эса аксинча, сабабиятдаги бундай алоқада физик тушунишни таклиф этади [6]. Эрон олими Мажид Фаҳри бу алоқани худди шундай тушунади. Аммо, Илой Алондан фарқли равишда Ғаззолий бу сабабни бутунлай инкор этади, деб ҳисоблайди [10;241-251]

“Тахофут ал-фалосифа” асарининг табиётга бағишланган охириги масаласи перипатетик фалсафа вакилларинининг руҳ ва унинг абадийлиги

муаммосига бағишланган. Ғаззолий файласуфларни руҳнинг холислиги ва тугалланганлиги ҳақидаги далилларини ўртага қўяди ва кўрсатиб ўтадики, улар ошкора мақсадга мувофиқ эмас. У ёзади: “Руҳ баданнинг ўлими билан ўлмайди. Чунки, у жисмга ҳулул этмайди. Руҳ фақат баданнинг майдонга келиши билан майдонга келади. Ҳажм ва миқдори бўлмаган нарса парчаланмайди. Агар парчаланishiлари иддао этилса, бу муҳолдир. Билим руҳнинг зотий сифатларидандир. Зотнинг сифатлари зот билан баробар киради. Руҳ билан бадан ўртасидаги алоқа туғилишдан келган орзу ва табиий бир шавқ йўли билан вужудга келади. Туғилишдан олдин бу руҳ бадан учун ўзига хос хусусият билан яратилган. Бу шавқ уни бошқа баданларга боғламоқдан тўхтатади. Туғилишдан келган бу шавқ билан яширин ҳолда баданга боғлиқ қолади ва бошқасидан узоқлашади. Баъзан бу шавқ, руҳнинг бадандан айрилиш ҳолида давом этади. Руҳ боситдир. У моддадан ажралган шаклдир. Унда бирлашиш йўқ. Жисмларнинг моддасидан йўқлиги муҳол қабул этилмас. Чунки, бу модда азалий ва абадийдир. Унинг устидан шакллар майдонга келади ва ундан шакллар йўқ бўлади. Шаклларнинг ўлиш кучи ҳам, шаклларнинг йўқ бўлмоқ кучи ҳам ундадир. Чунки у икки қарама-қаши нарсани баробар қабул этувчидир” [7;190-194].

У шунингдек, файласуфлар далилларининг ожизлигини қайд эта туриб, ягона чора сифатида руҳнинг мавжудлигини ва унинг охиратдаги аҳволи ҳақида батафсил хабар берувчи Қуръон ва шариатга юзланади. Файласуфларнинг охиратдаги ғайри жисмоний ёки руҳий лаззат ҳақидаги кўпгина мулоҳазалари Қуръондаги таълимотларга мутлақо мувофиқ келмайди. Ғаззолий айтадики, уларни руҳнинг мавжудлиги, охиратдаги руҳий лаззат ва аламлар ҳақидаги илми ақл воситасидагина касб этилади. Бундан ташқари файласуфлар томонидан илгари сурилган ғайбий дунёқараш шакллари, уларнинг жисмоний лаззат ва алам билан боғлиқ қарашлари, инсонларни тўғри йўлга бошлаш мақсадида рамзий маънода айтилгани ҳақидаги даъволари Қуръоний матнларда айтилган фикрларга мутлақо тескаривдир.

Ғаззолийнинг Умар Хайём билан бўлган баҳс масаласи махсус ўрганишни талаб қилади, шу учун биз бу ерда тарихчи Шаҳразурийнинг қисқача маълумотини келтирамиз. “Бир куни ҳужжат ул-ислом Ғаззолий Умар Хайёмнинг олдига келиб, сўради: нима учун осмоннинг маълум бир қисми кутбсимон, файласуфлар айтадики осмон доираси бир хил. Умар Хайём осмон жисмларини мисол келтириб, кўп тушунтирди. Баҳс кўп вақтни олди, лекин намозга азон айтилгандан кейин, Ғаззолий: “Ҳақиқат вақти келди ва сафсата тугади” [4;108-112], дейди. Шу билан баҳслари тугайди. Шаҳразурий Ғаззолийнинг рақибларидан эди. Унинг маълумотидан шу нарса кўринадики, Умар Хайёмнинг илмий, фанга асосланган жавоби Ғаззолийни қониқтирмаган. Фалсафани яхши билган Ғаззолий, айрим фалсафий саволларнинг ривожланишида маълум бир рол ўйнади.

Фалсафада Имом Ғаззолийнинг ўзига хос ўрни бўлганлигини юқоридаги фикрлар ҳам тасдиқлайди. У тамоман ўзига хос янги бир йўлга асос солди. Ўздан илгари ўтган юнон ва ислом донишмандларига, ўзи билан асрдош бўлган файласуфларга давомчи бўлмади, балки уларга ўзи раҳбарлик қилди. Нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам файласуфларга қарши танқидга киришган бирдан-бир файласуф Имом Ғаззолий эди. Аллома кўр-кўрона тақлидчиликка қарши эди. У табиат томонидан инъом қилинган соф ақл ва табиий истеъдоднигина ўзига раҳбар, деб билди. Ақл, табиий истеъдод, чин илм ва амал Ғаззолий фалсафасининг тамаллари, асоси ҳисобланади. Унинг фалсафий дунёқарашидаги энг муҳим, асосий жиҳат Ваҳдат ул-вужудга оиддир. У бутун кучини ислом динининг поклиги ва софлигини сақлашга ва бунинг учун ҳам фан, ҳам фалсафани ўткир бир қурол деб билувчи шахсият ҳисобланади.

Ғаззолийнинг файласуфларга бўлган муносабати, уларга нисбатан ҳужумининг сабаблари турли илмий доираларда турфа хил талқин қилинади. Шу нарса аниқки, унинг нафақат фалсафий рисолалари, балки дунёқараши маҳсули ҳисобланган барча асарлари нафақат ислом дунёсига, шунинг билан бирга бутун дунё илмий доираларига катта таъсир қилди.

Ғаззолийнинг фалсафа тарихидаги хизмати шундаки, у фалсафанинг ўзига хос мураккаб, ғайбий масалаларга жавоб беришга ожизлигини кўрсатиб бериши масаланинг бир жиҳати бўлса, иккинчи бир жиҳат эса, теран фикрли олимларни янги усул ва йўллар қидиришга мажбур қилди. Бундан ташқари мушоҳада олами учун замин ҳозирлади. Ўзи қидираётган ҳақиқатни фалсафадан топмаганидан сўнг, ҳатто уни ларзага солгандан кейин ҳам ирфон ва тасаввуф сари юзланади. Ўзи қайд этиб ўтганидек, бу йўл фалсафий мушоҳада йўлидан фарқли, вужуд ва дунё ҳақидаги чуқур мушоҳада йўли эди.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиш лозимки, мусулмон дунёсида бир қанча ислом олимлари, уламолари Ваҳдат ул-вужуд, ҳулул ғояларининг тавҳид тушунчаси ниқоби остида ривожланишини билган ва бунга қарши аёвсиз кураш олиб борган. Бунга бирдан-бир ёрқин мисол сифатида Имом Ғаззолийнинг “Таҳофут ал-фалосифа” асари ва унда илгари сурилган фалсафий қарашлар, унинг ифода услуби, масалага ўзгача ёндашувини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Мутафаккир юқоридаги асари билан Абу Исҳоқ ал-Киндий мактаби вакиллари фалсафасининг хато эканлигини далиллар ва доҳиёна қарашлари билан шу қадар таҳлил қилдики, натижада бу йўналиш деярли йўқолиб кетди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мажид Фахри. Сайри фалсафа дар чаҳони ислом. – Техрон, 1372. –
2. Саййид Муҳаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. – Тошкент: Минҳож, 2003.
3. Фозилул анам мин расоил. Ҳужжатул ислом. //Аббос Иқбол таҳрири. – Техрон: Ибн Сино, 1333.
4. Шамолов А.А. Имом Ғаззолий ва Ҳаким Умари Хайём. Умари Хайём ва тамаддуни чаҳонӣ. Ба 960-умин солгарди зодрӯзи Ҳаким Умари Хайём. – Душанбе, 2000.
5. Ғаззолий, Абуҳамид. Таҳафат-ул фалосифа. – Байрут: Дорул Машриқ, 1990.

6. Alon I. Chazali on Causality // Journal of the American Oriental Society. 1980. Vol. 100. No. 4. P. 397-405.
7. İmam Gazzâlî. Tehâfütü'l-Felâsife (Filozofların Tutarsızlığı).trc. Bekir Karlığa. İstanbul: Çağrı Yayınları, 1981.
8. İmam Gazzâlî. Makâsidü'l-Felâsife (Felsefenin Temel İlkeleri). tahkik: Süleyman Dünya. Trc. Cemaleddin Er-demci. İstanbul: Vadi Yayınları, 2. b., 2002.
9. Süleyman Dünya. İmam Gazali ve İman-Küfür Sınırı. Çevir Y. Doç. Dr. Ahmet Turan Arslan. İstanbul: Risale Yayınları, 1992. – 243 s.
10. Van den Berg S. Averroes' Tahafut al-Tahafut (The Incoherence of Incoherence). – L.: Luzas & Co, 1978. 219 p.
11. Wensick A.J. On the Relation between Ghazali's Cosmology and His Musticism II Mededee-Lingen der Koninklyke Akademie Van Wetenschappen, Afdeeling. Letterkunde, Deel 75, serie A. - Amsterdam, 1933.
12. Wolfson H.A. The philosophy of the Kalam. - Cambridge (Mass). - L.: Harvaed univ. pres. – XXVU. – 1976. – 889 p.

Муҳаррир:
Г.А.Мардонова

Таржимонлар:
З.Т.Бобоева
Ж.Азизов

Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгардир.

Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими
(электрон журнал)
2021 йил, март сони

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй